

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2015 йил 28 август • № 34 (1055)

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ДАВЛАТ МИҚЁСИДАГИ ЮКСАК ЭЪТИРОФ

Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25-26 августдаги Фармонларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она-юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки, шунингдек, давлатимизнинг иқтисодий қудратини оширишга, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазовор бўлган бир гуруҳ юртдошларимизнинг давлатимиз юксак мукофотлари билан тақдирланганлиги ҳар биримизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотди.

Албатта, ана шундай мукофотланганлар орасида тиббиёт ходимларининг борлиги ҳам қувонарли ҳолдир. Жумладан:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими”

Ососков Александр Владимирович – Республика онкология илмий маркази таркибидаги Республика рентгенрадиология маркази мудири

Йўлдошев Набижон Пиримович – Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази рентгенэндоваскуляри жарроҳлик бўлими мудири

“Эл-юрт ҳурмати” ордени билан

Бердиева Зумрат Бобукуловна – Олот туманидаги «Юқори Олот» қишлоқ врачлик пункти мудири, Бухоро вилояти

Умаров Иброҳимжон Саматович – Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг чақалоқлар ва болалар хирургияси бўлими мудири

Шарипова Мадина Каримовна – Республика «Она ва бола скрининги» маркази директори

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Искандарова Раъно Ибодуллаевна – Хоразм вилояти Хонқа тумани тиббиёт бирлашмаси «Ғалаба» қишлоқ врачлик пункти мудири

Содиқов Абдувоҳид – Тошкент вилояти силга қарши кураш диспансери бош шифокори – вилоят бош фтизиатри

Хошимов Шухрат Хуршидович – Академик В. Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия маркази бош шифокори

Худаяров Асилбек Анварович – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Кутлимуратова Феруза Калбаевна – Нукус «Она ва бола скрининги» маркази бўлим мудири, генетик-шифокор

Маманазаров Курбон Мамаражабович – Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази нейрохирургия бўлими мудири

Нурова Зайнаб Эргашевна – Бухоро вилояти Пешку тумани тиббиёт бирлашмаси чақалоқлар бўлими катта ҳамшираси

Эминов Баҳодир Жўраевич – Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона



филиали болалар реанимацияси бўлими мудири

“Шухрат” медали билан

Алланазарова Қизларгул Толибоевна – Қорақалпоғистон Республикаси Қанликўл тумани тиббиёт бирлашмаси «Алтинкўл» қишлоқ врачлик пункти мудири

Ерходжаев Нажмиддин Сиरोжиддинович – Тошкент шаҳар 5-сонли болалар клиник шифохонаси реанимация бўлими мудири

Исамединова Юлдузой Ибражановна – Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси 5-оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори

Нўмонов Исмоил Эргашевич – Бухоро вилояти Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси шошилич тиббий ёрдам бўлими мудири

Омонова Нодира Ҳузоровна – Қашқадарё вилояти Қамаш тумани тиббиёт бирлашмаси «Баландчайла» қишлоқ врачлик пункти мудири

Ражапов Анвар Жумабоевич – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси бош шифокори

Саттиева Гулбаҳор Қодировна – Андижон тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Синдорев Аннокул Мийлиевич – Самарқанд вилояти Қўшрабат тумани тиббиёт бирлашмаси «Шована» қишлоқ врачлик пункти мудири

Фурсатдан Ғойдаланиб, давлатимизнинг нуфузли мукофотларига сазовор бўлган тиббиёт ходимларини машаққатли меҳнатлари ортидаги улкан ютуқлари билан чин дилдан самимий қутлаб, муборакбод этамиз. Масьулиятли ва шарафли ишларида омадлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Узоқова Санобар Тиркашовна – Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани тиббиёт бирлашмаси «Кавардон» қишлоқ врачлик пункти мудири

Ғозилов Зулфиқор Хусанович – Жиззах вилояти Мирзачўл тумани тиббиёт бирлашмаси «Богбон» қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори

Худойкулова Муқаддас Тожикуловна – Сирдарё вилояти Гулистон тумани тиббиёт бирлашмаси «Боёвут» қишлоқ врачлик пункти дояси

Хушвақов Луқмон – 1-сонли Республика клиник шифохонаси хирургия бўлими мудири

Эътироф

БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗНИНГ ОРЗУ-УМИДЛАРИ

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН БУЮК ИНЪОМ БИЛАН ЯНАДА НУРАФШОНДИР

24 йил... Ҳадемай ушбу жарангдор сўз тарих зарварақларига зарҳал ҳарфлар билан битилади. Истиқлолга эришган халқимизнинг азалий орзу-умидлари рўёбга чиқди. Зеро, ўтган давр мобайнида жаннатмакон юртимиз ўзига хос тарзда чирой очиб, таниб бўлмас даражада дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Шунингдек, ҳар бир жабҳада

юз берган ўзгариш ва янгиланишларни айтмайсизми?! Айниқса, инсон манфаатлари ва унинг саломатлигини муҳофаза қилишдек устувор вазифалари йўлида амалга оширилаётган ишлар кўламига назар ташлайдиган бўлсак, бу борада республика тиббиёт тизимида ҳам кўпгина ижобий ишлар қилинаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 19 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, юртимизнинг барча ҳудудларида ушбу улғу айёмга қизгин ҳозирлик кўрилмақда. Эркин ва озод, фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли бўлган истиқлоли-

ликлар билан оғриш 34,4 фоизга, пневмонияга чалиниш 49,7 фоизга, бронхит билан хасталаниш 32,8 ва сколиоз билан касалланиш 32,7 фоизга камайди. Авваллари ҳаттоки ҳомиладор аёллар ҳам саломатлигини тўлатўқис текшириш учун пойтахтга келиб-кетишга мажбур бўлган бўлса, эндиликда республика-мизнинг барча вилоятларида скрининг, 11 та ҳудудда перинатал марказларнинг фаолият юритиши натижасида ҳомила-

босқич эмлаш жорий қилиниши туфайли болалар ўртасида юқумли ва онкологик касалликларнинг олдини олиш кўзда тутилмоқда.

Аҳоли ўртасида тўғри овқатланиш ҳамда микронутриент етишмаслиги ҳолатларининг олдини олишга эътибор қаратилиши натижасида кам вазнли болалар фоизи 19 дан 5 гача, туғруқ ёшидаги аёллар ўртасида охириги йилларда камқонлик фоизи 60,0 дан 33,15 гача камайди. Салмоқли фаолиятлардан яна бири сифатида эпидемик барқарорликни таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида йиллар давомида аҳоли ўртасида полиомиелит, бўғма, қоқшол касалликларининг рўйхатга олинмаганлигини айтиб ўтиш мумкин. Шу боис, 2002 йилда Ўзбекистон полиомиелит вирусидан холи ҳудудлиги тўғрисида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сертификатига эга бўлди.

Кези келганда тўхталиш жойини, Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб берди, десак муболаға бўлмайди. Мазкур қарор асосида мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида тиббий ёрдам кўрсатаётган муассасаларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини кучайтириш, замонавий ташхис усулларини жорий этиш, аёллар, болалар ва ўсмирлар касалликларининг олдини олиш бўйича 5 йилга мўлжалланган қатор долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Энг улғу, энг азиз байрамимизни муносиб кутиб олиш мақсадида жойларда ўтказилаётган учрашувлар, давра суҳбатларида юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг кўлами, туб мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка, айниқса, ёшларимизга тушунтиришда барча партия аъзолари фаол бўлишмоқда. Бу тадбирлар бекам кўст шароитларда камол топаётган ёшларимиз ютуқ ва муваффақиятларга ўз-ўзидан эришилмаслиги, бунинг учун кўп-кўп инсонларнинг заҳматли меҳнатию, давлатимизнинг катта-катта маблағи сарфланаётганини чуқур идрок этишларига, мустақиллиқни қадрлаш ҳиссини оширишга хизмат қилмоқда.

Юксалиш ва таракқиёт: биргина 2014 йилда

2014 йилда соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасидаги ишлар изчил ва тизимли асосда давом эттирилди. Мазкур йилда соғлиқни сақлашни ривожлантиришга Давлат бюджетидан 4 507,2 млрд. сўм ёки ижтимоий соҳага ажратилган маблағларнинг 24,4 фоизи йўналтирилди. Бу эса 2013 йилга нисбатан 21,5 фоизга кўп демакдир. Бунда асосан, маблағлар дори-дармонлар, тиббиётда фойдаланиладиган воситалар, вакциналар ва бактериологик препаратлар харид қилиш учун, хусусан амбулатория (профилактика),

манида қўллаш мўлжалланмоқда.

Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг энг муҳим устувор вазифаси бўлиб қолмоқда. Бу борада скрининг марказлари, вилоят кўптармоқли болалар шифоналари, шунингдек, ихтисослаштирилган педиатрия тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва зарур жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оналар ва болалар тизимли асосда тиббий текширувдан ўтказилапти. Фақат 2014 йилда 6,5 млн. нафар мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, мактаб, касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари



мизни энг буюк, энг азиз қадрият деб билиш, ёш авлод қалбида она-юрт тупроғини кўзга тўтиё қилиб яшаш, Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик туйғусини юксалтириш ҳаётимизнинг асосий мазмун-моҳиятига айланди. Бу йилги байрам тадбирлари «Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилаётганлиги эса юртдошларимизни янада иноқлик ва бирдамлик кайфиятида ишлашга ундаб, яшашга бўлган иштиёқини оширмоқда.

Кеча ва бугун

Мустақил давлатимиз 24 йиллик даврни босиб ўтди. Тарихан қисқа бу давр мобайнида юртимизнинг чекка-чекка туман, қишлоқларидаги она ва бола, оилалар учун кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва кўлами шаҳарниқидан қолишмайдиган даражага етди. Бирламчи тиббий санитария ёрдамини кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктлари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларининг ташкил этилиши, ушбу муассасаларда зарур моддий-техник база яратилиши ўз натижасини бермасдан қолмади. Ана шундай амалий ишлар натижасида сўнгги ўн йилда ривожланишида тугма нуқсонлари бўлган болалар сони 1,3 баробарга камайди. 6-15 ёшли болалар орасида ўткир юқумли касал-

дорлик даврида муайян бир хасталик билан оғриган, муддати-дан аввал туғруқ хавфи мавжуд бўлган оналар ҳамда эрта туғилган чақалоқлар парваришланмоқда.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳақида сўз юритганда, дунё тажрибасида илк бор ҳомиладор аёлларни таркибида инсон ҳаёти ва саломатлиги учун зарур бўлган микроэлементларга эга поливитаминлар билан таъминлаш амалиётига тўхталмасдан бўлмайди. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, ушбу амалиётнинг самараси оналар ва дунёга келаётган фарзандларнинг саломатлик кўрсаткичи янада яхшиланаётганида, вазни кам болалар туғилишининг олди олинаётганида намён бўлмоқда. Она ва бола ўлими 3 баробардан зиёдга камайиши, шунингдек, мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келиши эътироф этилгани фикримизнинг тасдиғидир.

Болалар ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олишда миллий эмлаш календарига киритилган режали эмланмаларнинг ҳам аҳамияти катта эканлигини таъкидлашдан бўлмайди. Ҳозирги кунда фарзандларимиз 11 турдаги хавфли касалликка қарши эмланаётган бўлиб, яқин истиқболда пневмококк, папиллома вируси каби хавфли инфекцияларга қарши икки хил янги вакцина билан босқичма-



шифохона ва махсус клиникалар ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқа хизматлар йўлида мақсадли сарфланди.

Шунингдек, бир қатор янги институт ва факультетлар, ўқув-илмий марказлари очилди. Тошкент тиббиёт академиясининг стоматология факультети ва худудлардаги тиббиёт олий ўқув юртлари негизда Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Нукус шаҳарларида филиалларига эга бўлган Тошкент Давлат стоматология институти ташкил этилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида қишлоқ врачлик пунктларининг фаолияти тубдан қайта кўриб чиқилди. Бундай тиббиёт масканлари сонини янада оптималлаштириш, замонавий диагностика ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, малака-ли кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Оптималлаштириш натижасида камқувватли ва самарасиз фаолият кўрсатаётган 243 та қишлоқ врачлик пункти тугатилди.

Тажриба тариқасида Бўстонлик, Ўзбекистон, Шаҳрисабз, Хива ва Жомбой туманларида патронаж тиббиёт ҳамжамиясининг ўз функцияларини вазифаларини нечоғлиқ тўлиқ бажариши ва фаолиятининг якуний натижаларидан келиб чиққан ҳолда, иш самарадорлигини рейтинг асосида баҳолаш тизими жорий этилди. Бу йил ушбу тажрибани мамлакатимизнинг яна 18 та ту-

чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Бу эса касалликларни барвақт аниқлаш ва уларни самарали даволаш имконини берди.

2014 йилда 133 та тиббиёт муассасаси янгитдан қурилди ва реконструкция қилинди. Гулистон шаҳридаги вилоят онкология диспансери, Тошкент шаҳридаги Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий маркази, Андижон шаҳридаги кўптармоқли вилоят тиббиёт маркази, Нукус шаҳридаги Республика силга қарши кураш диспансери ва бошқалар шулар жумласига киради. Ушбу мақсадлар учун бюджетдан 400,0 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ва қарийб 30 млн. АҚШ долларлик хорижий кредит ва грант маблағлари йўналтирилди.

Корея Республикаси билан яқин ҳамкорликда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ҳудудида ягона бўлган, энг юқори технологиялар асосидаги тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланадиган кўптармоқли замонавий болалар тиббиёт маркази қурилиши бошланди.

2014 йил давомида 5 та соғлиқни сақлаш муассасаси қурилиши, 160 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, 380 та умумтаълим мактаби ва 132 та тиббиёт муассасасида реконструкция ҳамда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

(Давоми 3-бетда).

Эътироф

БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗНИНГ ОРЗУ-УМИДЛАРИ

истиклол берган буюк инъом билан янада нурафшондир

Нуфузли халқаро мусобақаларда мамлакатимиз спортчилари эришаётган галабалар тобора кўпайиб бормоқда. 2014 йилда спортчиларимиз 849 та медални қўлга киритди, уларнинг 266 таси олтин медал эканлиги қувончлидир.

Бу ҳақда гапирганда, ўтган йилнинг кузида Жанубий Кореяда бўлиб ўтган, 45 давлатдан 13 минг спортчи қатнашган XVII Осиё ўйинларида спортчиларимиз 61 та, жумладан, 12 та олтин медални қўлга киритиб, Ўзбекистон терма жамоаси энг кучли ўнта мамлакат қаторидан жой олганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Дунёда эътироф этилган ҳақиқат

Кўпгина таниқли халқаро экспертларнинг эътирофи этишича, миллатлараро осойишталикни сақлаш, миллат, элат ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган энг муҳим ютуқларидан бири ҳисобланади. Республикада миллатлараро тотувлик ва ўзаро уйғунлик муҳити ҳукмронлик қилаётгани барча хорижликларнинг ҳайрат ва ҳавасини келтирмоқда. Буни бугун кўпгина тармоқлар сингарии тиббиёт соҳасида ҳам бевосита кўриш мумкин. Жанубий Корея, Германия, Ҳиндистон, Япония, Хитой, араб давлатлари, ғарб мамлакатларининг ривожланган тиббиёт клиникалари билан олиб борилган ҳамкорлик бугун ўз самарасини бермоқда.

Фахр билан айтиш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистон тиббиёти кўплаб муваффақиятларга эришиб келмоқда. Ўзбекистон Буюк Британиянинг «Save the children» («Болаларни асрайлик») халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилгани ҳали-ҳанузгача ўз қийматини йўқотгани йўқ.

Мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг, болалар спортига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ёш авлодни ҳам ақлан, ҳам жисмонан соғлом дунёга келтириш, тарбиялаш ва муносиб авлодлар даражасида шакллантириш вазифаси давлат сисёсатида айланди. Қисқа фурсат ичида юртдошларимиздан

(Давоми. Боши 2-бетда).

бокс, шахмат, энгил атлетика ва спортнинг бошқа турлари бўйича жаҳон чемпионлари етишиб чиқди. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ана шундай баркамол авлодни вояга етказишда муҳим ўрин тутмоқда. Жамғарма ташкил этилганидан буён мамлакатимизда 1700 дан зиёд спорт объекти барпо этилди. Улар замонавий спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминланди. Бу, шубҳасиз, болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамлаши, ёшларимизнинг жаҳон майдонларида улкан ютуқларни қўлга киритиши, халқаро миқёсда Ватанимиз нуфузининг янада ошишига замин яратди.

Мамлакатимиз спортчилари

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Ченнинг пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзудаги бўлиб ўтган халқаро симпозиум очилиш маросимидаги нутқида.

Яна бир қувончли воқеа. Яқинда Тошкент шаҳри яшаш учун энг мақбул шаҳарлар рейтингига киритилди. Дунёнинг 140 та шаҳаридан ташкил топган ушбу рейтингни Economist Intelligence Unit тадқиқот компанияси тузди. У ёки бу шаҳарда ҳаёт учун қулайликларни аниқлаш учун куйидаги омиллар бўйича баҳо берилди: соғлиқни сақлаш тизими, барқарорлик, экология, маданият, таълим ти-



Байрам кунлари арафасида

Мустақиллик нашидасидан баҳраманд ҳар қалбада бугун ўзгача кўриниш, янгилик юксалиш мужассамлигини кўраемиз. Бир юртдошимиз билан суҳбатлашар эканмиз, у шундай дейди:

– Амир Темури хиёбонида бўлганмисиз? Ёки Хадра майдони, эски шаҳарнинг бугунги қиёфасини таний оласизми? Дам олиш кунини фарзандларим билан шаҳар айлангани кўчага чиқдик. Айниқса, шаҳар марказида қад ростлаган «Ўзбекистон форумлар саройи», хиёбондаги ер ости йўллари, гулкўчатлар моҳирона дид ва нафосат билан яратилганки, барчамизни, хусусан, хорижлик меҳмонларни ҳайратга солиши табиий. Ҳар йили байрам яқинлашиши билан Президентимизнинг бир гуруҳ ватандошларимизни муқофотлашга доир қарорларини интизорлик билан кутаман. Чунки, ҳаммамиз ҳам меҳнатимизга эътибор билан қараётган Юртбошимизга мамнунлик ҳиссини билдиришга ошиқамиз-да. Ўзбекистоннинг байрамлари тўйларга уланиб кетарин, деб дуога қўл очамиз. Борган сайин ҳаяжоним ортмоқда. Чунки, фарзандларим йилдан-йилга улғайиб, замон имкониятлари билан ҳамнафас яшашмоқда. Уларга ҳавасим келади. Давлатимиз тинчлигига, халқимиз фаровонлигига шукроналар айтиб, юртимиз жамолига кўз тегмасин, дейман.

Дарвоқе, давр, вақт, инсон умри бир жойда тўхтаб қолмайди. У худди соат миллари каби айланиб туради. Кекса онахонимизнинг шукроналиги қалбимизда бошқача қараш, атрофга янада эътиборлор ва теран назар билан боқишга ундайди. Қайси соҳани олманг, у ерда тараққиёт ва ривожланиш, шунингдек, замонага мос равишда инсонлар дунёқарашини, ўзликни англаш, ҳушёрлик ва огоҳлик руҳияти ҳам тобора ўзгариб бормоқда.

Юртимизда кекса авлод вакиллари, аввало, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга кўрсатиладиган тиббий ва ижтимоий хизмат даражаси ва сифатини ошириш юзасидан амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар таҳсинга сазовор. Хусусан, босқичма-босқич ўтказилаётган «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» ижтимоий-тиббий акция халқаро даражада юксак эътироф этилмоқда.

Биз ҳам эзгу ниятларга ҳамоҳанг тарзда «Ватаним Ўзбекистон – сенинг гулдек жамолинг, хусни камолинг заволи топмай, янада навқирон, янада ёш ва кўркем қадду қомақтингла нуфузинг ошиб бораверсин», дея самимий тилак билдираемиз.

Намоз ТОЛИПОВ.



2016 йилги ёзги Олимпия ўйинларига пухта ҳозирлик кўрмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, бу борадаги ишлар дунё андозалари асосида олиб борилмоқда.

Спортчиларимизнинг галабалари бу соҳани кенг оммалаштиришда муҳим ўрин тутди. Халқаро мусобақаларда ғолиб бўлиб, байроғимизни баланд кўтариб, қувончдан кўзига ёш олган йигит-қизларни кўрганда, қайси биримиз фахрланмаймиз? Бундай галабалар Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўйини янада оширишга хизмат қилади.

«Ўзбекистонда ҳатто глобал инқирозлар даврида ҳам аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари муттасил ошиб, умр кўриш давомийлиги юксалмоқда. Ўзбекистон бу билан ҳақиқат равишда фахрланса арзийди», дейилади

зими ва инфратузилма. Ўзбекистон пойтахти 54,6 балл йиққан ҳолда ушбу рейтингда 116-ўринга лойиқ деб топилди. Хусусан, Тошкент барқарорлик бўйича 50 балл, соғлиқни сақлаш тизими – 58,3 балл, экология ва маданият – 53 балл, таълим тизими – 75 балл ва инфратузилма бўйича 48,2 балл тўплади.

Шукроналик ҳисси

Қарилик гаштини сураётган Гулҳаё ая яқинда бўлиб ўтган бир воқеа ҳақида шундай дейди:

– Набирам ёнгинамиздаги тиббиёт коллежида таҳсил олиш учун ҳужжат топширдим. Имтиҳонлардан катта ҳаяжон билан ўтган набирамнинг қувончидан суюниб, ушбу таълим даргоҳига йўл олдим. Замонавий қад ростлаган бинони кўриб, чиндан ҳайратландим. Бугунги ёшларга яратилган ана шундай шароитлардан мамнун бўлдим. Ёшим 70 дан ошиб қолди. Биз ўқиган кезлар бундай шарт-шароитлар қайда дейсиз? Бугунгидек компьютерлар, тезкор ахборот узатишлар,

Ватан мадҳи

СЕНГА ЖОНИМ ФИДО...

Тарихингни эслаб бўйлайди дилим,
Озодлигинг сўйлаб чарчамас тилим,
Эркин ва бунёдкор сен, она элим,
Гулларга ошён боғу бўстони,
Сенга жоним фидо, Ўзбекистоним!

Сенда Бобур ўтган, ўтган Навоий,
Сенда Темури ўтган, ўтган Атоий,
Улар ҳам жонини қилган фидоий,
Фарзандлари жасур, нурли ошёним,
Сенга жоним фидо, Ўзбекистоним!

Мадҳиянгни кўйлаб, тинмас забоним,
Бугун сен-да менинг ёруғ жаҳоним.
Ҳар дам сенда менинг ўйу хаёлим,
Қишда ҳам баҳорий, Наврўз, найсоним,
Сенга жоним фидо, Ўзбекистоним!

Отам туғилган юрт, ота маконим,
Онамга бахт бўлдинг сен, соябоним,
Юрагимда урган чексиз туғёним,
Халққа таянч бўлган буюк кўргоним,
Сенга жоним фидо, Ўзбекистоним!
Дилафрўз АБДУЖАЛИЛОВА.



Давра суҳбати

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ВА ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ

давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан биридир

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида “Республика аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида белгиланган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш юзасидан амалга оширилган ишлар ва устувор вазифалар” мавзуга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, БМТнинг “Юнисеф” болалар фонди вакиллари, республикаимиз тиббиёт муассасалари раҳбарлари, олим ва шифокорлар иштирок этдилар.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбари Анвар Алимов кириш сўзи билан очар экан, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг негизда жамиятимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган ислохотлар замирида инсон манфаатларининг туриши, уларни ҳимоя қилиш ҳамда бу мақсадни амалга оширишда барча соҳалар каби тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, турли касалликлар профилактикасини амалга ошириш масалалари бош мақсад сифатида белгилаб берилганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шунингдек, олдимизга қўйилган ушбу вазифаларни бажариш баробарида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб бериш, соҳага замонавий технологияларни олиб кириш жараёнида ҳам эътибор бериб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори юқорида айтиб ўтилган вазифаларни амалга оширишда асосий ҳужжат ҳисобланади.

Сир эмаски, соғлом ва рационал овқатланиш, витаминларга бой маҳсулотларни истеъмол қилиш саломатлигимизни мустаҳкамлашда, уни асраб-авайлашда ниҳоятда муҳимдир. Республикаимизда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, мамлакатимизда етиштирилаётган маҳсулотларнинг сифатини чуқур назорат қилиш, уларнинг тайёрланиш жараёнида барча са-

нитария-гигиена қоидаларига риоя этиш масаласига катта эътибор берилмоқда. Зеро, соғлом овқатланиш маданиятига риоя қилиш инсоннинг турмуш сифати ҳамда саломатлигида ўз аксини топади.

Бугунги кунда республикаимизда мева ва сабзавот, суг, гўшт ва балиқ маҳсулотларини етиштириш ҳамда уларни қайта ишлаш йўлга қўйилган. Ишлаб чиқариш корхоналари томонидан аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби 82 фоизга қопланаётгани қувонарли кўрсаткичдир.

Кенг аҳоли қатламларининг витаминларга бой, сифатли ва тўйимли озиқ-овқатлар билан таъминланганлиги ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан, охириги 10 йил ичида қайд этилган маълумотларга назар соладиган бўлсак, мамлакатимизда ўртача умр кўриш кўрсаткичи ошди. Вазни меъёрдан паст бўлган болалар авваллари 4 фоизни ташкил қилган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 1,8 фоизга қисқарди, болаларнинг бўйи эса ўртача 3 см.га ўсди. Шунингдек, аҳоли орасида чақалоқларни кўкрак сuti билан боқиш, болаларда микро-нутриент танқислигининг олдини олиш мақсадида улар истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари витаминлар билан бойитилиб, ҳомиладор аёллар саломатлигини асраб-авайлаш чоралари кўрилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бугун сайёрамизнинг турли ҳудудларида маълум сабабларга кўра аҳоли орасида тўйиб овқатланмаслик ёки истеъмол қилинаётган озук маҳсулотлари таркибида етарли даражада витаминларнинг мавжуд эмаслиги кузатилмоқда. ЖССТнинг маълумотларига кўра, бутун дунё аҳолисининг 30 фоизи овқат тақчиллигидан азият чекмоқда. Бунинг натижасида улар орасида кўплаб касалликлар келиб чиқмоқда.

Тадбир давомида Жаҳон соғ-

лиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Асмус Хаммерих ўз маърузасида тўғри овқатланиш саломатлиқни асрашдаги энг асосий омиллардан бири эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Унинг фикрига кўра, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзига риоя қилмаслик, камҳаракатлилик, чекиш ва спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ҳамда овқатланиш рационининг бузилиши кишилар орасида юқумсиз касалликларни кўпайтирмоқда. Юқумсиз касалликлар деб артериал қон босимининг кўтарилиши, қандли диабет, ортиқча вазн ва семизлик касалликлари назарда тутилади. Бутун дунёда ушбу касалликларнинг шиддат билан тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аҳоли орасида доимий тушунтириш ишларининг олиб борилиши, инсонларни фаол турмуш тарзини олиб боришга жалб этиш, овқатланиш маданиятини шакллантириш масалаларини барча аҳоли қатламларига етказиш керак. Давлатингиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари натижасида Ўзбекистон Республикасида сифатли, витаминлаштирилган ҳамда фойдали озиқ-овқат маҳсулотлари билан аҳоли тўлиқ таъминланмоқда. Айниқса, юртингизда диетология ўқув-илмий марказининг ташкил этилиши ҳам аҳоли соғлиқни сақлаш ишлари кўлами кенгайиб бораётганини яна бир бора тасдиқлайди. Умид қиламанки, бу борадаги ишлар янада ўз самарасини беради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси миллий координатори **И. Цойнинг** берган маълумотларига кўра, бутун дунёда нотўғри овқатланиш, истеъмол қилинадиган айрим маҳсулотлар таркибида витамин ва минераллар миқдорининг меъёрида эмаслиги турли касалликларни келтириб чиқармоқда. Шуниси ачинарлики, ортиқча вазн муаммоси ва семизлик нафақат катта ёшли кишилар, балки болалар орасида ҳам тобора ортмоқда. Фарзандларимиз соғлигига бефарқ бўлмаслик, уларни тўғри овқатланиш тартибига риоя этишини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча имкониятларни яратиб бериш ниҳоят-

да муҳимдир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотини тавсиясига кўра, кишиларнинг бир кунлик овқатланиш рационидан туз миқдорини олти граммдан оширмаслик керак. Шу ўринда истеъмол қилинадиган шакар миқдорини кўпайтирмаслик масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маълумки, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қилиш, уларни тайёрлашда барча меъёрий қоидаларга амал қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари қадоқларида унинг таркиби ва истеъмол қилиш муддатлари тўғрисидаги маълумотларни аҳолига тўлиқ етказиб бериш маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва уни тарқатувчи корхоналарнинг муҳим вазифаларидан биридир. Ана шу вазифаларни амалга оширганимиздагина турли касалликларнинг олдини олган бўламиз.

Барчамизга маълумки, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, рационал овқатланиш тартиб-қоидаларига амал қилиш зарурияти ҳали узоқ ўтмишда, отабоболаримизнинг илмий меросларида ўз аксини топган. Бутун дунёда йирик олим сифатида эътибор этилган, тиббиёт фани асосчиларидан бири бўлган Абу Али ибн Синонинг бизга қолдирган бой илмий меросида ҳам инсон истеъмол қиладиган турли маҳсулотларнинг таркиби, унинг қайси касалликларда даво сифатида мижозга қараб қўлланилиши қайд этилган. Ҳозирги кунда ушбу бой мерос нафақат бизнинг юртимизда, балки бутун жаҳонда юксак эътироф этилиб, тиббиёт илмини ўрганишда ниҳоятда керакли манба сифатида қадрланиб келмоқда. Бугунги давра суҳбати давомида эса бобомизнинг муносиб издошлари, бугунги замон олимлари томонидан ёзилган “Соғлом овқатланиш – саломатлик мезонлари” китобининг тақдирот маросими ҳам ўтказилди. Ушбу китоб Тошкент тиббиёт академиясининг бир гуруҳ олимлари томонидан ёзилган бўлиб, у 7 боб ва 10 бўлимдан иборат. Китобнинг илмий-оммабоп усулда ёзилгани эса, унинг нафақат шифокорлар, балки бошқа соҳа вакиллари томонидан қам қизиқиш билан мутолаа қилинишини таъминлайди. Ушбу асарда мамлакатимизда етиштириб келинадиган маҳсулотларининг биологик таркиби, улар тўғрисида ота-боболаримиз томонидан берилган ўғитлар, ушбу маҳсулотларни сақлаш ва улардан

фойдали парҳез таомларни тайёрлаш усуллари тўғрисидаги муҳим маълумотлар билан танишиш мумкин. Китобга кiritилган маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда пиширилаётган мавсумбоп таомларнинг тайёрланиш усуллари келтирилган.

Мавзу доирасида иштирокчиларга бугунги кунда соғлом овқатланиш нормалари, сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда замонавий техника ютуқларидан фойдаланиш, бунда республикаимиз таърибаси билан бир қаторда, жаҳоннинг турли мамлакатларида қўлланиладиган таърибалар тўғрисида тўлиқ қизиқарли маърузалар тақдим этилди.

Тадбир давомида иштирокчилар томонидан овқатланиш маданиятининг аҳоли орасида тарғиботини кучайтиришда оилавий шифокорлар ҳамда патронаж ҳамшираларнинг ўрни алоҳида эканлиги бир неча бор таъкидлаб ўтилди. Зеро, оилавий шифокор ҳамда патронаж ҳамширалар бевосита барча аъзолар билан мулоқотда бўлиб, улар организмнинг хусусиятлари, овқатланиш тартиби тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ ўрганиб чиқиб, ўз маслаҳатларини беради.

Давра суҳбатида хулоса ясалар экан, иштирокчилар томонидан “Соғлом овқатланиш – саломатлик мезонлари” китобини нафақат шаҳарда, балки республикаимизнинг бошқа ҳудудларида тарғиб этиш мақсадида махсус гуруҳ ташкил қилишга келишиб олинди.

Дарҳақиқат, бугунги анжуманнинг ўтказилиши юртимиз аҳолиси орасида овқатланиш маданиятига риоя қилиш, республикаимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол маҳсулотларининг назорат сифатини янада кучайтириш ҳамда уларни кенг оммага етказиб беришда ниҳоятда муҳимдир. Зеро, соғлом миллатни вояга етказишда авваламбор оналар соғлигига эътибор бериш, туғилажак фарзандларнинг соғлигини асраб-авайлаш, бунинг учун ҳар бир оилага кириб борган ҳолда, барча оила аъзоларига соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш барчамизнинг вазифамиздир.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Элмира Боситхонова ва Адҳам Икромовлар сўзга чиқдилар.

Ирода ИЛҲОМОВА.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Сиз азиз тиббиёт ходимлари ва юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги билан қизғин ва самимий муборакбод этади.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, Ватан равнақи йўлидаги меҳнатларингизда улкан зафарлар тилайди!

Истиқлолимиз абадий бўлсин!



Шукроналик

ВАТАНГА МУҲАББАТ ВА
САДОҚАТ ИФОДАСИ

Жамиятда рўй берадиган моддий ўзгаришлар тез ва яққол кўзга ташланади. Дейлик, янгидан тикланган маъмурий-маиший ёки тураржой биноси, таъмирдан чиқарилган йўл, аҳоли ихтиёрига топширилган маданият ва истироҳат боғи, боринги, кишиларнинг яшаш тарзида кузатилаётган фаровонликни кўзимиз билан кўриб, эътироф этамиз.

Юртимизнинг турли вилоят ва туманларида, пойтахтимизда бунёд этилаётган иншоотлар, кенг ва равон кўчалар, савдо шохобчалари, обод ва озода маҳаллалар, хонадонларда ҳукм сураётган осойишталик, истиқлол йилларида халқимизга меҳнат қилиш имкониятлари кенгайганлигидан далолат беради. Зеро, ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистонда фуқаролар онги, тафаккурининг ижобий томонга ўзгараётганлигини кўрсатувчи далиллар жуда кўп. Республика ижтимоий фикр жамоатчилиги маркази ходимлари томонидан ўтказилган сўровнома-ларда юртдошларимизнинг ўз ҳаётидан мамнунлик даражаси йилма-йил фақат ошиб бораётганлиги ана шундан далолат беради. Агар 2012 йилда ўз ҳаётидан мамнун юртдошларимиз 85,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 86,3 фоизга етган. 2014 йилги сўровномага жалб қилинган респондентларнинг 88,2 фоизи жамиятда ўз ўрнини топганлигини мамнун эканлигини ифодалаган. Кўриниб турибдики, йилдан-йилга юртдошларимиз ҳаёти ва турмуш тарзида рўй бераётган моддий ўзгаришлар уларнинг тафаккур олами-ни ҳам ўзгартирмоқда.

Ўтган 24 йил ичида ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга қаратилган эътиборнинг самараси ўларок, юртдошларимизнинг тиббий хизматдан фойдаланиш жараёни яхшиланди. Аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатишининг муҳим бўғини бўлган оилавий поликлиника ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари энг зарурий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, барча ёшдаги кишиларнинг саломатлиги қатъий назорат остига олинди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан бир неча йилдан буён ўтказилаётган “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остидаги йирик тадбирда оналар, болалар, ўсмирлар, фертил ёшдаги аёллар, кексалар, имконияти чекланган шахслар тиббий хизматнинг барча турларидан баҳраманд бўлмоқда. Амалга оширилаётган кенг қамровли бундай ислохотлар натижасида юртдошларимизнинг ўз саломатлигини асраб-авайлашга нисбатан эътибори яхшиланаётгани яққол ҳақиқатдир. Аслида бу масалага қизиқадиган замондошларимиз миллат ва юрт равнақи йўлида ҳам ўз куч ва имкониятларини аямайдилар.

Бувуш Узоқова Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманида истиқомат қилади. У уч ўғил ва икки қизни вояга етказиб, уларнинг турли олий ўқув юртида ўқиши учун шарт-шароит яратган зиёли аёллардан биридир. Туман марказидаги 85-

умумтаълим мактабида ўқувчиларга она тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериб келаётган педагог аёл ўз меҳнат таътилини айрим ҳамкасблари каби тўлиқ уйда ўтказмайди, балки таътилни маълум муддатни ўз саломатлигини тиклашга ажратади.

– Ўқув йили мобайнида педагогнинг асаб тизими чарчайди. Унинг бир ҳафталик иш юкласини 10 ойга кўпайтирадиган бўлса, катта миқдордаги иш жараёни ҳосил бўлади. Бу жараёнда эса у ҳам жисмонан, ҳам руҳан толиқади. Бундан ташқари таътилни давридан олдин ҳафтасини дам олиш учун алоҳида ажратаман. Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан Оқдарё тумани марказидаги “Устоз” соғломлаштириш масканига йўлланма оламан. Чегирма билан ўқитувчи-мураббийларга йўлланмаси бериладиган бу дам олиш маскани баҳаволиги, бартариблиги билан биз педагогларга маъқул келмоқда. Даволаш муолажалари асаб тизимини тиклаш, тинчлантириш хусусиятига эга бўлиб, бир неча турда олиб борилади. Уқалаш, парафин озокерит, балчик, сув муолажаларини касаллик турига қараб шифокор тавсия қилади. Менда кўпинча бош оғриғи кузатилгани учун қон айланишини яхшиловчи электр муолажаларини қабул қиламан. Қисқаси, 14 кун мобайнида мен “Устоз” соғломлаштириш масканида ўз саломатлигимни тиклаб, бардам ва тетик бўлиб, оила аъзоларим бағрига қайтаман, – дейди Бувуш Узоқова.

Ёш улғайган сари ҳар бир кишида қариллик аломатлари кузатила бошлайди. Ёш билан боғлиқ касалликлар кучайиб кетмаслиги учун организмни тиклаб борувчи кишилар узоқ умр кўрадилар. Геронтологик тадқиқотларга кўра, соғлом турмуш тарзининг барча қоидалари – фаол жисмоний ҳаракат, шахсий гигиена, овқатланиш рационини тўғри белгилаш, зарарли одатларга берилмаслик, тиббий саводхонликка риоя қилиш узоқ умр кўриш шартидир. Юртдошларимиз орасида худди шундай турмуш тарзига қатъий қўниқма ҳосил қилган кишиларни кўплаб учратиш мумкин. Наманган вилоятининг Наманган туманидаги Шўрқўрғон қишлоғида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Тўхтаҳон Раҳимова бу йил 72 ёшни қарши олмақда.

8-умумтаълим мактабида узоқ йиллар фаолият кўрсатган муаллима ҳовлида тасодифан йиқилиб тушиб, анча вақт тўшақда ётиб қолди. Наманган туман кўп тармоқли тиббиёт маркази шифо-

корлари кўрсатган тиббий ёрдам туфайли аҳволи бироз ўнганган бўлса-да, ҳаммиша елиб-югуриб юрган опа ўрнидан тура олмас, турса ҳам деворга суяниб, зўра ҳовлига чиқар, баъзида фарзандларига малоллик туғдираётганидан хижолат бўларди. Бел оғригининг азоби курсин, қаердан ҳам йиқила қолди? Умри мобайнида оғриқнинг бу турига дуч келган аёл эмасди. Ҳа, бу рост, тасодифий йиқилиш туфайли умуртқа погонасида салбий ўзгариш юзага келган. Нима қилиш керак?

Оила аъзолари опани Тошкент шаҳридаги даволаш муассасаларидан бирига жўнатиш керак, деган хулосага келдилар. Шундай қилиб, Тўхтаҳон опа 2014 йилнинг декабрь ойида Тошкент шаҳридаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг нейрохирургия бўлимига жойлаштирилди. Қисқа муддатли текширув жараёнидан сўнг, бўлим жарроҳлари опани фақат операция усулида даволаш мумкинлигини айтдилар. Кўп ойлardan бери бел оғригининг азобини бошдан кечираётган опа бунга дарҳол рози бўлди.

– Мана, мени қўноққа солган дарддан халос бўлдим. 10 кунлик даволаш курсида нейрожарроҳ Абдуфарруҳ Каримов, шифокор Исқандар Орифжонов умуртқа погонамни муваффақиятли операция қилишди. Саккиз ой-дирки, ўзим туриб, ўзим юряпман. Аввал фақат уйда ўтираддим, бир ёққа боришга куч-қувватим ҳам, мадорим ҳам етмасди. Энди эса тўй-ҳашам, маъракага ҳам секин-аста юриб, ўзим бораман. Бахтимизга ана шундай қўли энгил шифокорларнинг борлиги катта бахт, – дейди Тўхтаҳон опа мамнуният билан.

Орифжон Исмоилов Тошкент вилояти кардиология диспансерида кардиореаниматолог бўлиб хизмат қилиб келади. Пойтахт вилояти аҳолиси ўртасида учраётган юрак хасталиқларини даволаш ва ташхис қўйиш бўйича катта тажриба тўплаган бу шифокорни жамоасидигилар ҳурмат-эҳтиром билан тилга олишади. Диспансер назоратида турган кўплаб беморлар эса бу шифокорнинг мулоқот қилиш маданияти юксаклигидан, врачлик деонтологиясини пухта эгаллаганлигини яхши билдилар. Қабулга келган ҳар бир кишини очикчехралик билан кутиб оладиган бу шифокор тиббиёт соҳасида ишлайдиган кишилар айниқса, ўз саломатликларини асраб-авайлаш масаласига жиддий қарашлари керак, деб ҳисоблайди. Чунки соғлом турмуш тарзини тарғиб-ташвиқ қиладиган кишининг ўзи бунга риоя этмаса, бошқалар ундан қайси томонлама ибрат олиши мумкин, бундан киши яхши билади.

Орифжон аканинг бу йилги меҳнат таътили июль ойига тўғри келди. Турмуш ўртоғи Фарида опа Ўрта Чирчиқ туманидаги 51-умумтаълим мактабида ўқитувчи. Ҳар иккисининг таътил даври ёз ойларида бўлгани учун диспансер бошланғич касабга уюшмасига сўлим Фарғона вилоятида жойлашган “Чимён” санаторий-



сида дам олиш учун ариза топшириб қўйган эди. Унинг талаби инобатга олинди, 14 кунлик имтиёзли равишда дам олиш мумкин бўлган йўлланма берилди. Шундай қилиб, эр-хотин жорий йилнинг 29 июлидан 11 августига қадар “Чимён” санаторийсида саломатликларини тиклаб, бардам ва ҳуш кайфиятда қайтишди.

– Бу санаторийга республикамизнинг Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Жиззах вилоятларидан йўлланма билан борадиган юртдошларимиз билан танишдим. Соғломлаштириш масканининг 4 та корпусига қўшимча равишда бешинчиси бунёд этилибди. Муолажа усулларини ҳар бир дам олувчига касаллик турига қараб шифокор тайинлайди. Шифокор ва ўқитувчилар ақлий меҳнат билан шуғуллангани боис, уларнинг асаб тизими чарчайди, модда алмашинуви, қон айланиш жараёнида турли ўзгаришлар юзага келади. Организм толиқан пайтда ишлаш ёки меҳнат фаолиятини давом эттириш ҳар бир касб эгасини ҳаддан ташқари чарчатиб қўяди. Санаторийда бир-бирини тўлдирувчи даволаш усуллари – парафин озокерит, балчик, дарсенвал, ванна, айланма душ, уқалаш ва жисмоний машқларни қабул қилган, ўзимни энгил сеза бошладим. Соғломлаштирувчи муолажани мустақамлашга хизмат қилувчи рационал овқатланиш санаторий кун тартибидан ўрин олган яна бир муҳим тадбир бўлди. Нонушта, тушлик ва кечки овқатга ошхона ходимлари келтирадиган таом хиллари бир неча бўлиб, ихтиёрий равишда ўзимиз танлаймиз. Кечки пайт эса телевизор томоша қилиш, кўнгилочар концерт дастурида иштирок этиш мумкин. Бу ерга тез-тез эл назарига тушган хонандалар ташриф буюриб туришар экан. Соғломлаштирувчи муолажа, калорияли овқатга маданий дам қўшилган, ҳар бир кишини тўлақонли даволаш имконияти яратилади, – дейди олий тоифали шифокор Орифжон Исмоилов.

Мамлакатимизнинг барча таъ-

Зеро, болалар, ўсмирлар, аёллар, эркаклар, кексалар, умуман, ҳар бир кишининг ўз саломатлиги ҳақида қайғуриши, конституциявий ҳақ-ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда тиббий хизматдан баҳраманд бўлишини Ўзбекистон мустақиллиги йилларида кузатилаётган ижобий ҳодиса сифатида баҳолашга тўлиқ асосларимиз бор.

Хулқар КУЗМЕТОВА.

Нишондоримиз

ХАЛҚИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛГАНЛАР КАМ БЎЛМАЙДИ

Мамлакатимиз халқи ўз мустақиллигининг 24 йиллигини қарши олаётган айни кунларда кўплаб юрtdошларимизнинг қувончи кечсиз. Улар Президентимиз Фармонига биноан, давлатимизнинг юксак ва нуфузли унвон, орден, медаллари билан тақдирланишди. Мукофотланганлар орасида тиббиёт соҳаси-

нинг турли йўналишларида узоқ йиллар ва самарали меҳнат қилиб келаётган, ибратли фаолияти билан ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича изланаётган, янгидан-янги имкониятларни ишга солаётган шифокорлар бор.

стентлаш муолажалари бажарилди. Бунга мамлакатимизда кардиологик хизматни сифат жиҳатдан яхшилашнинг мустаҳкам пойдевори яратилганлиги туфайли эришмоқдамиз. Энг сўнгги русумдаги замонавий технологияларнинг касалликни аниқлаш ва даволашдаги барча босқичларга жорий қилинганлиги мамлакатимизнинг катта ютуғи ҳисобланади. Кардиологик хизмат кўрсатишда асосий диққат-этибор соғлиқни сақлашнинг бирламчи ҳалқасида асосий фигура ҳисобланган умумий амалиёт шифокорларини юрак қон-томир касалликлари хавфи омилларини фаол аниқлаш ва унга қарши курашишни ўргатишдан иборат. Статистик кузатув маълумотларига кўра, поликлиникаларда артериал қон босими ортган беморларни аниқлаш даражаси йилига ўртача 3-5 фоизга ошмоқда, беморни замонавий даволаш усуллари билан камраб олиш жараёнида аниқ тартиб ўрнатилди.

ни тўғри ташкил қилмаслик, турли экологик муаммолар туфайли киши ўз соғлигини йўқотади. Айниқса, аҳоли ўртасида кўп учрайдиган юрак қон-томир касалликлари биз шифокорларни дунё миқёсида қўлланилаётган янги даволаш методларидан хабардор бўлишга ундайди. Ўзбекистон кардиологларининг жорий йил май ойида ўтказилган VII съездида қатнашиб, яқин 15-20 йил ичида тажрибасиновдан ўтказиш мақсадида қўлланилган ва юрак касаллигига учраган беморларнинг умрини узайтиришга таъсир кўрсатётган янги технологиялардан хабардор бўлдик. Хориждан Ўзбекистонга ташриф буюрган етук кардиологларнинг маърузалари бизнинг билим даражамизни янада оширди.

Диёримиз бўйлаб энг улуг ва энг азиз байрам – мустақиллик тантаналари бошланиб кетди. Бу байрам ҳаммамизга – хаттоки, жажжи болажонларимизга ҳам қувонч бағишлайди, десам муболагаси йўқ. Чунки униб-ўсаётган гўдақларимиз вояга етиб, шу юрт, шу миллат, унинг истиқболи учун хизмат қилади. Биз шифокорлар эса бунёдкорлик ишларини чин кўнгилдан амалга ошираётган меҳнаткаш ва танти халқимизнинг умрини узайтириш, саломатлигини асраб-авайлашдек эзгу ҳаракатнинг ташкилотчилиги ва ташаббускори бўлиб қолаверамиз. Шу ўринда камтарона меҳнатимни муносиб баҳолаган Юртбошимизга ўз дил ташаккуримни билдириб, юртимиз аҳлини истиқлолимизнинг 24 йиллик байрами билан қўтлаб қоламан.

Хулкар КУЗМЕТОВА
ёзиб олди.



Шулардан бири Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг рентген-эндovasкуляр жарроҳлик бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Набижон Йўлдошевдир. Малакали шифокор "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тиббиёт ходими" унвони билан тақдирланди. Телефон орқали мулоқотда тажрибали шифокорнинг ҳис-ҳаяжонларига шерик бўлдик:

– Жуда хурсандман. Камтарин бир шифокорнинг меҳнатига берилган юксак унвон аслида, республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг кўп сонли аҳил ва баҳамжиҳат жамоасининг халқи-

миз саломатлигини асраб-авайлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари эътирофидир. Марказимиз шифокорларининг истиқлол йилларида эришган ютуқлари нафақат мамлакат миқёсида, балки дунё миқёсида тан олинаётганлиги ҳар биримизга қувонч, фахр-ифтихор ҳиссини беради. Чиндан ҳам ижтимоий соҳалардан бири бўлган тиббиёт йўналишида Юртбошимиз ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида бағоят катта ислохотлар бошланиб, биринчи босқичда аҳолига бепул тезкор тиббий ёрдам кўрсатишнинг аниқ тизими барпо этилди ва умумий амалиёт шифокори фаолиятига асосланган бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг тубдан янги тизими барпо этилди. Ижтимоий йўналишга қаратилган тадбирлар комплекс ўтказилиши натижасида республикамиз аҳолисининг ўртача умри 67 дан 73 ёшгача, аёллар ўртасида эса 75 ёшгача ортди ва умр кўриш даражасининг ошиши биз тиббиёт ходимларини янада юқори кўрсаткичларни қўлга киритиш учун ундамоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 2 февралдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3214-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 мартдаги 140-сонли қарорига асосан ташкил қилинган ва халқаро стандартлар даражасида аҳолига малакали кар-

диологик ёрдам кўрсата оладиган марказимиз иш тажрибасига кўра, артериал босимни назорат қилиш, миокард инфарктлари сонини 40-50 фоизга, мия insultлари миқдорини 60 фоизга камайтириш йўлидаги изланиш ва тадқиқотларимиз давом этмоқда. Кардиологик хизматнинг умумий тармоғи, тезкор тиббий ёрдам тизими барпо этилиши ва даволашнинг замонавий стандартлари татбиқ этилиши сўнгги 5 йил ичида ўткир миокард инфарктдан содир бўлган касалхона ичи ўлими даражасини 9-10 фоизга камайтиришга шарт-шароит яратмоқда. Қувонарлиси шундаки, кардиологияда диагностика ва даволашнинг замонавий юқори технологияли каминвазив усуллари, ангиопластика ва стентли коронароангиографиянинг қўлланилиши, шунингдек, юрак аритмиясини каминвазив йўл билан даволаш натижасида энг оғир тоифадаги беморлар ҳаётини сақлаб қолиш, меҳнат қилиш лаёқати тикланмоқда. Интервенцион усуллар академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази, Республика шошилини тиббий ёрдам илмий маркази ва 2010 йилдан бошлаб республика ихтисослаштирилган кардиология марказида ўзининг такомиллашган босқичига етди. Марказимизда 2014 йилнинг ўзида 1400 та коронарография ва 40 та коронар артерияларини

Орамиздаги одамлар

КАФТДАГИ ЖОН

Дунёда мўъжизалар бисёр. Биз уларга кўпинча эътибор беравермаймиз. Ахир, қил устида турган жонни ҳаётга қайтариб, зулматдан ёруғликка чиқишига ёрдам бериш мўъжиза эмасми? Ҳаётда бундай

ишни бажара оладиган одамлар кўп. Улар ўз илму аъмолига муносиб оппоқ халат кийиб юришади ва унга доғ туширмасликка ҳаракат қилишади. Кўплари бунга эришадилар...

Пискентлик шифокор Саиднўъмонхон ва Дилбар Маърипова ўғиллари Саидазизхон туғилганида унинг ҳам ўзлари каби эл саломатлиги йўлида холис хизмат қилувчи оқ халат соҳиби бўлишини жуда-жуда хошлашган бўлса керак. "Яхши ният – ярим давлат" дейишади. Ички касалликлар бўйича етук мутахассис ота, кўз, қулоқ, бурун соҳаси бўйича юқори малакали шифокор она тарбиясини олган Саидазизхон бугун қўли энгил шифокор сифатида улар орзусини рўёбга чиқарди. Лекин ҳар қандай орзунинг рўёби учун тинимсиз меҳнат, изланиш, интилиш керак бўлади. У болалик чоғлариданоқ зеҳни ўткир, ҳаракатчан, зийрак бўлиб ўсди. Пискентдаги бумумтаълим мактабини аъло, туман академик лицей-интер-

натини қизил шаҳодатнома билан тугатиб, 2000 йилнинг ўзидаёқ Тошкент тиббиёт академиясига кириб ўқий бошлади. Кейин Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтида ординатура, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида аспирантлик...

У ўз билим ва иқтидорини тинмай ошира бориб, энг лаёқатли шифокорлар қаторида ёш мутахассислар малакасини оширишда муносиб ҳисса қўшди. Натижада, ёш бўлишига қарамай, Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтида ўз ўрни ва эътиборига эга кичик илмий ходим Саидазизхон Саидахмадхонов жамоа меҳрини қозонди. Шунданми, ҳар тонг ташрифини интиқлик билан кутувчи беморлар дуоси ёш шифокорнинг қатъиятини, ўзига бўлган ишончини ортттиради, янада

фидойилик билан ишлашга ундайди.

– Тасодиф туфайли қўл-оёқ суякларим шикастланди, – дейди меҳнат фаҳрийси Тўлқин Абдуазимов. – Ўзингизга маълум, кекса одамнинг суяклари мўртлашиб қолади, тузалиши қийин бўлади. Саидазизхон мени шу азоблардан кутқарди. Унинг тўғри, малакали муолажалари жонимга малҳам бўлди, тез орада оёққа турдим. Отасига раҳмат, илоҳим кам бўлмасин.

– Саидазизхон ўз ишини пухта биладиган иқтидорли ёш шифокорларимиздан, – дейди шикастланиш асоратлари бўлими раҳбари Шавкат Мирзаев. – Мактаб, лицей, тиббиёт академияси, ординатура, аспирантуранга аъло баҳолар билан тугатиб, ҳозирги кунда касб сирларини бошқаларга ҳам ўргатмоқда.



Қолаверса, истиқлол берган имкониятлар, замонавий тиббий жиҳозлардан самарали фойдаланаётган ғайрат-шижоатли ёшларимизнинг касбига муҳаббати ва садоқати, албатта, бесамар кетмайди. Улардан шифо топиб, оёққа тураётган беморларнинг яхши тилаклари, дуолари ҳам ишларининг бароридан келишига сабаб бўлади.

Қолаверса, Саидазизхоннинг ўз касбига фидойи бўлишида оиласи, севимли умр йўлдоши Дилдорахоннинг ҳам муносиб хизмати бор. Зеро, оилада тинчи бўлган киши ўз хизмат вазифини виждонан

бажариб, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўша олади. Шифокор уч фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказётган, қайнона-қайнотасининг ҳурматини ўринлатиб, дуосини олаётган оқибатли келин, меҳрибон она, иқтисодиёт соҳасида етук мутахассис, вафоли, садоқатли умр йўлдоши Дилдорахондан жуда миннатдор. Албатта, оила мустаҳкам бўлса, болалар соғлом, баркамол, ҳар томонлама етук ёшлар эса юрт келажаги, жамият таянчидир.

Сайёра РИХСИЕВА.

Обуна – 2015

Хурматли муштарийлар!

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2015 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна давми давми этмоқда.

Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!

Нашр индекси: 128.

ЭЪЛОН

Тошкент тиббиёт академиясининг I даволаш факультетини 1985 йилда битирган собиқ талабаларни 2015 йил 5 сентябрь куни соат 17:00 да бўлиб ўтадиган учрашувга таклиф этамиз.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бобур боғи ёнидаги «Бразилия» ресторани.

Мурожаат учун телефонлар:

(+99890) 320-87-52 Ҳамро СОДИҚОВ.

(+99897) 747-91-62 Юлдуз ПРИМОВА.

(+99899) 811-01-52 Аббосхон АЛИМОВ.

31 август – Қатагон қурбонларини ёд этиш куни

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ЁДИ ВА ЖАСОРАТИ

ҳамиша қалбларда эъзоз топаверади

Ватан тинчлиги, озодлиги ва келажак авлодлар фаровонлигини ўйлаб, тинимсиз кураш олиб борган, ҳақиқат олдида бош эгмай, жон фидо қилган азиз ватандошларимиз хотираси мана 15 йилдирки, Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида қад ростлаган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида қадрланиб, ёдга олинади ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатилади.

2000 йилнинг 12 май куни муҳтарам Президентимиз томонидан «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи очирилиб, унинг ёнида «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи ҳам ташкил этилди. 2001 йилдан бошлаб эса, 31 август – Қатагон қурбонларини ёд этиш куни сифатида тарих саҳифаларида муҳрланди. Мана шу кунда оғир синовли дамларни бошидан кечирган заҳматқаш халқимизнинг юракдаги ушалмаган орзулари амалга ошириб, қуёш нурлари каби қайта порлади. Бу қувончли воқеанинг рамзи сифатида қад ростлаган тўрт устунли гумбаз ва унда акс эттирилган қатагон қурбонлари қабри вужудга келди.

– Бехбудий, Абдулла Қодирӣ, Чўлпон, Фитрат сингари ижодкор-шоирлар, адабиёт-севар олимларимизнинг илму маърифат зиёсини сочиш йўлида чеккан машаққатлари, Ватан озодлиги, истиқболи учун жон фидо қилганликларини кўп бора эшитганмиз. Мустамлакачилик даври ўзбек

халқининг эсидан чиқмайдиган ва узоқ вақт хотираларда сақланиб қоладиган оламшумул тарихдир. Ўтган кунларни ҳаммамиз ҳам кўзёши билан эслаймиз. Истиқлолдан кейин эса бағримизга озодлик шамоли тегиб, мана энди бугунги кунимизга шукроналик нафаси билан яшамоқдамиз. Авваллари, Бўзсув канали, Алвасти кўприк атрофи ачинарли аҳволда турарди. Ҳозир бу ердан нафақат маҳаллий аҳоли, балки хорижий сайёҳларнинг ҳам қадами аримайди. Ўзбекистоннинг бугуни ва ўтмишини эслатувчи музей эса фарзандларимизни она Ватанга янада меҳрлироқ ва фидокор бўлишга ундайди, – дейди Юнусобод туманининг Отчопар маҳалласи фаоли, 75 ёшли Мираҳмад ота.

Ҳа, албатта, Ватанни севмоқ имондандир, дейилади Ҳадисларда. Жалолиддин Мангуберди, Баҳоуддин Нақшбанд, Муқанна, Тўмарис сингари мард ва ботир аждодларимизнинг мислсиз кўрсатган жасоратлари бугунги ёш авлод учун мактаб вазифасини ўтамоқда. Уларнинг

юртсеварлиги, ватанпарварлиги, фидойилиги йилдан-йилга, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Зеро, Президентимиз айтганидек: «Халқимиз 150 йил давом этган мустамлакачилик даврида ҳар қандай зулм ва истибодга қарамасдан, ўзини йўқотмади. Тилини ва динини, имон-этиқодини сақлаб қолди. Ноҳақлик ва зўравонлик ҳукмрон бўлган шундай замонларда ҳам юртимиздан миллат ва халқ қайғуси билан яшаган ҳақиқий ватанпарвар инсонлар етишиб чиқди. Халқимизнинг асрлар синовидан кучайиб, тобланиб борган мустақкам иродаси, имон-этиқоди нафақат қадимий маънавиятимиз, балки миллий ўзгичимизни сақлаб қолишга асос бўлди».

Дарҳақиқат, Тошкентда бунёд этилган ана шундай ёдгорлик мажмуи халқимизнинг чин маънодаги фахр-ифтихори, қувонч ва шодликларию, азалий орзуларининг амалий ифодасидир. У ерда миллий ўзгичимиз ва тарих воқеликларида хикоя қилувчи «Қатагон қурбонлари хотираси» музейининг ташкил этилиши ва унда акс эттирилган нодир экспозициялар, фотолавлар ва тарихий ҳужжатлар ташриф буюрган ҳар бир кишида ўзига хос таассурот ва тасаввурни уйғотади.

– Бу кўчалар, йўллар, мислсиз ўзгаришлар – буларнинг бари мустақиллик шарофатидир.



Юртбошимизнинг маънавият ва маърифат соҳасини ривожлантиришга қўшаётган юксак эhtiборлари тўғрисида барча шаҳар ва қишлоқларда илм-фан масканлари, ёдгорлик мажмуалари ва қадимий зиёратгоҳлар янгидан чирой очмоқда. Қатагон қурбонларини ёдга солувчи ушбу мажмуа очилганда бориб, у ердаги бунёдкорлик ишларини кўриб ҳайратланганман. Неча йиллар кўримсиз аҳволда ётган канал бўйлари ва атрофлари бугун жаннатмакон бир масканга ўхшайди, гўё. Кечаси-ю кундузи одамлар билан гавжум.

Ўтмиш ва тарихни билиш, англаш, аввало ўзимизга, қолаверса, фарзандларимиз учун ҳам ўта муҳимдир, – дейди тарихчи олим Самариддин Мирзаев.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик байрами арафасида эришилган галабаларни нишонлаш, бугунги кунимизга шукрона айтиш анъанаси бардавом экан, Ватан озодлиги учун курашган ҳамюртларимиз ёди ва жасорати ҳамиша қалбларда эъзоз топаверади. Намоз ТОЛИПОВ.

Здоровое поколение – будущее страны

ПРАЗДНИЧНЫЙ ПОДАРОК ДЕТЯМ

В эти дни, когда по всей стране идет активная подготовка к самому великому, самому дорогому празднику – 24-летию независимости нашей Родины, в Бухаре введен в эксплуатацию детский центр «Ширин».

В центре, организованном обществом с ограниченной ответственностью «Ширин плаза фэйз» созданы все условия для занимательного досуга детворы.

– В результате осуществляемых под руководством Президента страны последовательных реформ, развиваются малый бизнес и частное предпринимательство, – говорит руководитель общества с ограниченной ответственностью «Ширин плаза фэйз» Шавкат Рахимов. – Создаваемые для предприни-

мателей возможности и льготы, благоприятная инвестиционная среда позволяют успешно реализовывать различные проекты. Детский центр «Ширин» возведен за счет выделенного областным филиалом «Асака» банка 800 миллионов сумов кредита. На первом этаже здания центра разместилась диетическая столовая, где работают более десяти молодых людей. На втором этаже расположено около двадцати аттракционов. В распоряжении детей также специальная площадка с мягкими игрушками.



По сведениям хокимията города Бухары, за прошедший период нынешнего года за счет 2,6 миллиарда сумов средств предпринимателей и выделенного коммерческими банками 2,2 миллиарда сумов кредита реализовано 74 проекта. В результате было создано 173 новых рабочих места.

Все это является результатом последовательных реформ, осуществляемых под руководством Президента страны по развитию малого бизнеса и частного предпринимательства, их всесторонней поддержке.

(УзА).



Спорт

ФИЗИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ – ГАРАНТ КРЕПКОГО ЗДОРОВЬЯ

В Кунградском районе Республики Каракалпакстан сданы в эксплуатацию две современные спортивные площадки для занятий мини-футболом, волейболом, баскетболом и теннисом.

Площадки, построенные дочерним предприятием «Урганчтрансгаз», предназначены для отдыха и проведения свободного времени более 300 работников этого предприятия.

– Под руководством Президента нашей страны уделяется особое внимание широкому привлечению населения, осо-

бенно женщин и молодежи, к занятиям спортом, утверждению в обществе здорового образа жизни, – говорит председатель комитета женщин дочернего предприятия «Урганчтрансгаз» Дилором Худойбергенова. – Возведенные на пустующих территориях спортивные площадки стали достойным праздничным

подарком для работников, особенно женщин.

В рамках мероприятия, посвященного открытию новых спортивных площадок, была организована ярмарка сельскохозяйственной продукции. Большое впечатление на собравшихся произвели соревнования по мини-футболу среди работников отрасли. Дочернее предприятие «Урганчтрансгаз» передало Кунградскому управлению газосетей автобус «Isuzu» самаркандского производства.

(УзА).

Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги тантаналари

ШОДОН БОЛАЛИКНИНГ ҚУВОНЧЛИ ДАМЛАРИ

Айни кунларда мамлакатимизда Мустақиллигимизнинг 24 йиллигини муносиб кутиб олиш учун юртимиз ва унинг ҳар бир гўшасида байрам тадбирлари бошланиб кетди. Айниқса, "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилаётган шодиёналар, шунингдек, серкўёш юртимизнинг нақадар

гўзал ва кундан-кунга гуллаб-яшнаётганлиги ҳар бир қалбга завқ бағишламоқда. Шундай экан, ушбу шир остида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида кўп йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган ходимларнинг фарзандларини 1-синфга қузатишга бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Лазиз Тўйчиев кириш сўзи билан очар экан, мамлакатимизда истиқлол даврида амалга оширилган фаолиятларга алоҳида урғу қаратиб, давлатимиз раҳбари томонидан фарзандларимизга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик хусусида ўз фикрларини билдириб ўтди. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги касабга уюшмаси қўмитаси раиси Иван Железняк вазирликда анъанага айланган маз-

зирининг ўринбосари Лазиз Тўйчиев болажонларимиз учун вазирлик томонидан тайёрланган қимматбаҳо совғаларни тақдим этди.

Шунингдек, тадбирда иштирок этган, айни кунда Тошкент педиатрия тиббиёт институтига имтиёзли қабул қилинган талаба, 2014 йилда Москва шаҳрида бўлиб ўтган 48-халқаро Менделеев олимпиадасида 16 давлатнинг 105 нафар вакили орасида 3-ўрин ва бронза медалини қўлга киритган ҳамда 2015 йилда Ереван



кур тадбир тўғрисида тўхталиб, 1-синфга қузатилаётган болаларимизни чин дилдан қутлаб, улар бизнинг эртанги келажакимиз эгалари эканлигини алоҳида тилга олди.

Кийимлари ярашиб турган, кўзлари қувончдан порлаган кичкинтойлар Ватан мадҳи ва болаликни тараннум этувчи шеърлари билан ота-оналари ҳамда бошқа иштирокчилар қалбига янада завқ улашишди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва-

шаҳрида бўлиб ўтган 49-халқаро Менделеев олимпиадасида фаол қатнашиб, бронза медал ҳамда июль ойида Боку шаҳрида ўтказилган 47-халқаро кимё олимпиадасида 75 та давлатнинг 292 нафар иштирокчиси орасида ҳам бронза медалига сазовор бўлган Дилнора Юсупалиева эришган ютуқлари тўғрисида гапириб, Президентимиз томонидан ёшлар учун яратилаётган бу каби кенг имкониятлардан мамнун эканлигини фахр билан тилга олди.

Тадбир сўнггида эл севган хонандалар дилрабо кўшиқлари билан даврага янада файз киритдилар.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, эртанги келажакимиз бўлган фарзандларимиз ҳар томонлама соғлом ва баркамол ўсишларида бу каби тадбирларнинг ўзига хос ўрни борлиги, албатта, қувонарли ҳолдир. Шу ўринда юртдошларимизни, қолаверса, барча кичкинтойларимизни энг улғу, энг азиз байрамимиз билан дилдан қутлаб, мустақкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ёр бўлишини истаб қоламиз.

Байрам шуқуҳи

МЕҲР ВА ЭЪТИБОР ИФОДАСИ

Мустақиллигимиз ҳар биримиз учун энг олий бахт. Шундай экан, унинг қадрига етмоқ, қолаверса, юртимиз тупроғини кўзимизга тўтиё айлаб, Ватан равнақи йўлида муносиб меҳнат қилмоғимиз биз учун ҳам қарз, ҳам фарздор...

Тадбир давомида мазкур клиникада кўп йиллар хизмат қилган меҳнат фахрийлари ҳамда айни вақтда инсонлар саломат-

ни кўриш ва гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам самарали натижалар ўз ифодасини топиб, Ўзбекистон

ни билдираман, – дейди клиниканинг эндокринология бўлими бошлиғи Ҳамида Боймухамедова.



Дарҳақиқат, истиқлолимизнинг 24 йиллиги арафасида республикамиз тиббиёт муассасаларида ҳам байрам тадбирлари ўзгача шуқуҳ билан нишонланмоқда.

Куни кеча Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникасида мазкур санага бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда Тошкент

тиббиёт академияси 3-клиникаси бош врачлари Жасур Ризаев сўзи олиб, мустақиллигимиз туфайли инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлиги янада юксалиб бораётганлиги, шунингдек, 24 йил ичида мамлакатимизда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилганлигини фахр билан тилга олди.

лиги йўлида фаолият юритаётган ходимлар маъмурият томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

– Кўп йиллардан буён ушбу клиникада фаолият юритиб келаман. Қисқа давр бўлса-да, истиқлолимиз боис, катта ютуқларга эришдик. Қайси бир соҳани олмайлик, уларнинг ҳар бирида юксалиш ва ижобий ўзгаришлар-

тиббиёти жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Бу каби муваффақиятлар, албатта, давлатимиз раҳбарининг олиб бораётган одилона сиёсатининг муҳим босқичи, деб биламан. Шундай экан, меҳнатларимизни қадрлаб ва қўллаб-қувватлаётган Президентимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда клиникамиз раҳбариятига ўз миннатдорлигим-

Тадбирда намоиш этилган концерт дастури иштирокчиларни янада хушнуд этиб, уларга хуш кайфият бағишлади.

Саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади. Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 4555 нусха.
Буюртма Г-858.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

